



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

«КИМЁ ВА КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ»
кафедраси

Малакавий биттирув иши

Мавзу: Электрокимёвий усулда саноат чиқиндиларидан олтинни ажратиш олиш ва қоплаш цехини лойиҳалаш. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2000 м²

Талаба: Жиззах Политехника институт 519-06 КТ гуруҳи талабаси
Алимов Санжар

Раҳбар: Жиззах Политехника институти «Кимё ва кимёвий технология» кафедраси
доценти, кимё фанлари номзоди Тангяриков Нормурод Сайитович

ЖИЗЗАХ – 2010 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
ТЕХНИК ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАШ.....	7
ХОМ-АШЁ ТАВСИФИ.....	9
ОЛТИННИНГ ФИЗИК – КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ.....	10
ЭЛЕКТРОКИМЁВИЙ УСУЛДА САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИДАН ВА ХОМ-АШЁЛАРДАН АУ НИ АЖРАТИБ ОЛИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИ.....	12
ОЛТИНЛАШНИНГ ЦИАНЛИ ЭЛЕКТРОЛИТЛАРИ.....	15
НОДИР МЕТАЛЛАР ЭЛЕКТРОМЕТАЛЛУРГИЯСИ.....	20
ОЛТИННИ ЭЛЕКТРОЛИТИК РАФИНЛАШ.....	21
ЯЛТИРОҚ ҚОПЛАМА ҲОСИЛ БЎЛИШ ШАРТЛАРИ.....	26
МЕТАЛЛ БУЮМЛАР ЮЗАСИНИ ҚОПЛАШГА ТАЙЁРЛАШ.....	28
СИРТ ЮЗАНИ КИМЁВИЙ ВА ЭЛЕКТРОКИМЁВИЙ ТОЗАЛАШ.....	30
ОЛТИН ЮРИТИШ.....	31
ҚОПЛАМАЛАР СИФАТИНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ ҚОПЛАМАНИ ҚАЛИНЛИГИНИ АНИҚЛАШ.....	33
УСКУНАЛАР СОНИ ҲИСОБИ.....	36
КОНСТРУКТИВ ҲИСОБ.....	40
АНОД САРФИ.....	41
СУВ САРФИ.....	44
ИССИҚЛИК БАЛАНСИ.....	45
ИСИТИШ УСКУНАЛАРИ ҲИСОБИ.....	47
АСОСИЙ ТЕХНИК ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР.....	48
ҚУРИЛИШ ҚИСМИ.....	49
ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ.....	55
АТРОФ МУҲИТНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....	60
ХУЛОСА.....	62
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	63

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда жуда катта хом-ашё захирасига эга бўлган давлатлардан ҳисобланади. Дунё миқёсидаги давлатлар ичида шу хом-ашёларнинг бири дунё миқёсидаги энг қадрланадиган олтин ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси бу соҳадаги энг етакчи ўринлардан биринчини эгаллаб турибди.

Республикамиздаги қазиб олинаётган қимматбаҳо металл олтин (соҳасида) асосидаги жуда катта миқдорда зеб-зийнат тақинчоқлар бошқа керакли маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин. Олтин Ўзбекистонда барча жойларидан қазиб олиш мумкин. Бу асосан Қизилкум, Учқудук, Маржонбулоқ, Зармитондан қазиб олинади. бир йиллик қазиб олинаётган олтин миқдори бугунги кунда 100 тоннадан ошиб кетди. Қазиб олинган олтин асосан Навоий электрокимёвий ишлаб чиқариш бирлашмасида жуда катта миқдорда қимматбаҳо тақинчоқлар ишлаб чиқармоқда, электрокимёвий қоплаш мақсадида, электроника, электротехника, радиотехника ва электрон машиналар ишлаб чиқариш соҳалари учун жуда кўпдан-кўп бошқа саноат соҳалари учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб бермоқда.

Бугунги кунда кимё саноатида хусусий электрокимёвий ишлаб чиқаришда асосан, металл ва неталл буюмларни корхоналарда коррозиядан химоя қилиш ва устки қисмини мустаҳкамлашда ошириш мақсадида айниқса қимматбаҳо буюмларни лаборатория ва ускуна жиҳозларни тиббиёда ишлатиладиган ускуналарни олтин билан қоплаш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу иш электрокимёвий усулда амалга оширилмоқда. Шунинг учун шу соҳада ривожланиш кундан –кунга олдинга тортмоқда ва шу соҳани ривожланиш учун янги-янги технологияларни жорий, барпо қилиш шу диплом иши учун асосий мақсад қилиб олинган.

Олтинли қопламалар катодли ускунада амалга оширилади. Олтин билан қопланган материалларни устки қисми қаттиқлиги, мустаҳкамлигини ошириш мақсадида олтинга қўшимча ҳар-хил металллар Co , Ni ҳам қўшилади. Бундай қопламаларни олишда барча технологик жараёнларни амалга ошириш учун хом-ашё ва материаллар, реактивлар республикамизда тўла мавжуд.

ТЕХНИК ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАШ

Ўзбекистон ўзини мустақил деб қилгунча Собик иттифоқ даврида Республикамизга жуда кўп товар ва маҳсулотлар, шу жумладан, халқ хўжалиги учун керакли маҳсулотларнинг кўп қисми бошқа Республикалардан келтирилар эди. Бугунги кунда Республикамиз мустақил бўлгач кундалик ҳаётимиз халқ хўжалиги ва бошқа саноат соҳалари учун керакли бўлган истеъмол моллари ва маҳсулотларини иложи борича Республикамизда ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқ бўлиб мустақиллигимизни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга.

Чет давлатлардан келтириладиган маҳсулотлар маълумки, валюта ҳисобига олиб келинади. Шу билан бирга транспорт харажатлар ҳам ҳисобга олинса, товарлар қиймати 1,5 – 2 баробарга ошиб кетади, ваҳоланки халқ истеъмол моллари ўзимизда ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд.

Иттифоқ миқёсида маҳсулот етказиб берадиган “Тошкент Авиация ишлаб чиқариш” фирмаси Мисканд заводи, “Фотон” ишлаб чиқариш бирлашмаси, “Тошкет заргарлик” заводи, “Навоий” электрокимёвий ишдаб чиқариш бирлашмаси, “Алгоритм” каби қувватли корхоналар маҳсулотларига бўлган талаб камайганлиги, хом-ашёларнинг асосиё қисми Россия ва Болтик бўйи мамлакатларидан олинганлиги сабабли Собик иттифоқ парчаланиб кетгач уз қувватида ишлай олмай қолди. Юқорида кўрсатилган ишлаб чиқариш корхоналари кам қувватда ишламоқда, баъзи цехларда эса кенг тармоқли халқ истеъмоллари ишлаб чиқариш йўлга кўйилди. Шунини ҳисобга олиб, металл ва нometалл буюмларни олтин қоплаш цехини лойиҳалаштириш мақсад қилиб олинди. цех ишлаб чиқариш қуввати 2000 м² ни ташкил қилади.

Республика соҳасини ҳисобга олса, фақат Республика эмас, экспорт қилиш мумкин бўлган ишларни амалга ошириш мумкин. бундан ташқари зарур бўлса, ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсад қилиб олинган. Лойиҳалаштирилаётган цех (Навоий электрокимёвий ишлаб чиқариш) бирлашмаси ҳудудида жойлаштиради. Цех учун ишчи кучи шаҳарда етарли. Ишлаб чиқариш бирлашмаси учун электр, сув, газ, иисиклик энергиялари етарли ва сиқилган ҳаво ҳам етарли экани назарда тутилган.

ХОМ-АШЁ ТАВСИФИ

Олтиннинг физик – кимёвий хоссалари ва олтинли қопламаларнинг қўлланилиши соҳалари.

Олтин – юмшоқ эгиловчан, букуловчан ва тез боғланадиган металл, жуда юқори кимёвий барқарорлиги билан ажралиб туради. Кислоталар, ишқорлар, водород сулфид ва бошқа олтингугуртли бирикмалар унга таъсир этмайди. Ҳавода олтин оксидланмайди ва қайтарилмайди. У “пошшо ароғи” ва хром ионли бирикмаларда эрийди.

Дунё бўйича бир йилда 22000 т олтин ишлаб чиқарилади. Биринчи ўринни ЖАР (9522 т), иккинчи АҚШ (329 т) эгаллайди. Энг чуқур олтин кони АҚШнинг Блэк–Хилс конидир, 1988 йилда олтин ишлаб чиқариш энг юқори нуктасига етди, асосийлари Невада штатида жойлашган. Олтин асосан экстракция йўли билан олинади. Невада штатидаги рудада 0,9 г/т. Жуда оз тарқоқ тарқалган.

Олтин амалиётда коррозияга учрамайди. Ҳозиргача олинган олтиннинг 90% қуйма, танга, заргарлик буюмлари, санъат асарлари сифатида ишлатилади. Ҳар йили олтин ишлаб чиқариш дунё бўйича 2% ошиб бормоқда.

ОЛТИННИНГ ФИЗИК – КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

Зичлиги – $19,32 \text{ см}^3$

Атом оғирлиги – 197,20

III валентли олтиннинг стандарт потенциали

$$E_{Au} / Au^{+3} = +1,50V \qquad E_{Au} / Au^{+} = +1,6-81V$$

Электрокимёвий эквиваленти 2,45 ва $7,3572/(A.ч)$

Солиштирма электр қаршилиги $2,25 \cdot 10^{-8} \text{ Ом} \cdot \text{м}$.

Олтинли қопламалар асосан буюмларни коррозия (емирилиш) дан сақлаш мақсадида лаборатория жиҳозлари, тиббиёт ускуна ва жиҳозларини ҳамда электрон техника соҳаларида ва заргарлик ишлаб чиқариш саноатида ва махсус мақсадлар учун кенг қўлланилади. Au ли қопламалар қалинлиги заргарлик буюмлари учун 0,25 дан 3 мкм ва бошқа мақсадлар учун 3 дан 6 мкм қалинликда қопланади (жадвал-1). Au қопламалар мис билан бирга олиб борилади қотишма ҳолда.

Олтинли қопламалар катодли усул билан амалаг оширилади ва асосий металлни коррозиядан ҳимоя қилиш учун улар амалий жиҳатдан ғоваксиз бўлиши шарт. Қоплама ғоваклиги асосий металл характери ва қоплаш қалинлигига боғлиқдир.

Шунинг учун Au ли қопламаларни амалга оширишда олдин (головка) қайта ишлов берилади, асосий металлга Au енгил зичланади ва ялтироқ металл кўринишига эга бўлади.

Бу қопламаларнинг камчилиги уларнинг жуда паст қаттиқликка ва тез ейилишига эга эканлигидир. Бу хоссаларни яхшилаш учун ҳар – хил металллар қўшилади, хусусан Co ва Ni металлари.

1-жадвал

Олтинли қопламалар қалинлиги (мкм) нинг керакли мақсад ва қўллаш шароитига боғлиқлиги ҳисобга олинган.

Қоплаш мақсади	Шартли белги	Қоплама қалинлиги (мкм). Шартли эксплуатация шароити ҳисобга олинган ҳолда			
		1	2-4	5,6	7,8
Оралиқ қаршилиқни тушуриш, емирилишни	3 л (Оп) Au	3	3	6	6

камайтириш, ялтироқлигини ошириш, ўзгармас электр параметрини сақлаш.					
Оралиқ қаршиликни тушуриш, электр парметрларни сақлаш.	Ер. 3л	6;3	9;3	12;3	15;3
Коррозияга қарши мустаҳкамлигини ошириш остки катлами бўлган кумушдан, никелдан	Н-3л	9;3	--	--	--

ЭЛЕКТРОКИМЁВИЙ УСУЛДА САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИДАН ВА ХОМ- АШЁЛАРДАН АУ НИ АЖРАТИБ ОЛИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИ

Ерости шахталаридан Ау ни ишқор билан қуайида ишлаш тажрибалари Вашингтонда 1961 йил Х.Дж. Зейнеком ва Б. Партеромлар томонидан ёзилган Невада штатидан шимолий шарқда очик конлардан Ау ни ажратиб олиш лаборатория шароити текширувларида энг юқори унумдорликка эга бўлган.

Шундай система қўлланилган эдики, Калий цианид эритмаси олинган намунанинг аниқ нуқталари ички қисмига юборилганди. Ау нинг эриши 1,7 грамм тонна таркибини ташкил қилиб, жуда катта тезликка эришилган эди. Бунга сабаб, жинсларнинг ғовакларидидаги жуда майда кўринишдаги Ау тез эриганда ажралиб чиқиш даражаси 11 кун давомида 80%га яқинни ташкил қилиб, 21 кундан кейин эса 2,5 см ўлчамда материалларни майдалангандан кейин 90% ажралиб чиқишни ташкил этади. Д.М.Дарра томонидан (АҚШ патент №0562 61,77 й 1-ноябр) қайта ишланган жараён энг камида 1 та металлдан Ау ёки Аг нинг ажралиб чиқиши учун мўлжалланган.

Қўлланилган қурилмалар бурчак остида камайтирилган ҳолатда бўлади. Унинг устига майдаланган руда ёки жинслар қўйилади.

Рудаларнинг сирт юзасига Калий цианид ва ишқорнинг сувли (бирикмасини) эритмасини пуркаш учун қурилмалар жойлаштирилган. Идишнинг сирт юзасидан бурчак бўйича оқади. Қатор сиғимли активлантирилган кўмирли идишлардан трубопроводларнинг Ау ва Аг ни ажратиш босқичида эритма бериш учун қўлланилади.

Ва трубопроводларда тозаланган эритма пуркаш зонасига берилади. Технологик жараён схемаси қуйидаги расмда тасвирланган.

У Калий цианид каустик содани суюлтирилган эритмаларини тоғ жинслари ёки майдаланган мадан 2 сиртига пуркаш учун хизмат қиладиган қурилма 1 ни ўз ичига олади. Бунда эритма руда қатлами 2 орқали мустаҳкам 3 ҳосил бўлгунига қадар сепилади.

Табиий оғишишнинг мавжуд бўлиши резина 5 билан қопланган 4-навга юборишни таъминлайди. Бунда эритма оғирлик кучи таъсирида эритма резервор 6 га оқиб тушади, ҳамда қатламнинг зичлашиши натижасида унинг сирти поливинил хлорид билан ҳам қопланиши мумкин.

Идишнинг сирт юзасининг бурчак бўйича оқади. Катод сиғимли активлантирилган кўмирли идишларнинг трубопроводларнинг олтин ва кумушни ажратиш босқичида эритма бериш учун қўлланилади ва трубопроводларнинг тозаланган эритма пуркаш зонасига берилади. Технологик жараён схемаси қуйидаги расмда тасвирланган.

У калий цианид каустик содадан суюлтирилган тоғ жинслари ёки майдаланган икки сиртига хизмат қиладиган қурилма 1 ни ўз ичига олади. Бунда эритма руда қатлами 2 орқали мустаҳкам қатлам 3 ҳосил бўлгунига қадар сепилади.

Табиий оғишдан мавжуд бўлиш резина 5 билан қопланган 4 навга юборишни таъминлайди. Бунда эритма оғирлик кучи таъсирида эритма резервор 6 га оқиб тушади, ҳамда қатламлар зичлашиши натижасида унинг сирти поливинилхлорид билан ҳам қопланиши мумкин. Au ва Ag эритмалари активланган кўмир билан тўлдирилган ион алмашиниш қурилмаларидан фойдаланиб, улар 3 та 7, 8, 9 платформаларга ўрнатилган. 7 ва 8 платформалар ўрнатилган. 10 ва 14 сиғим пастки қисмида тешикчаси бўлган тақсимлаш плиталари мавжуд. Эритма резервуарида майда активланган кўмир билан тўлдирилган пастки қисмига берилади. Активланган кўмир асосан тақсимлаш плитаси 15 устига ўрнатилган. Эритма кетма-кет ҳар қайси сиғимнинг ўтиб тақсимлаш қурилмаси орқали пастдан юқорига кўтарилади. Оқимдан юқорига ҳаракатланиш майдаланган активланган кўмирда ушлаб турилади. Активланган кўмир эритмада эриган Ag ва Au ни ютади. Бу жараён маълум миқдордаги компонентлар ишлашига қадар давом этади.

Максимал самарадорликка эришиш учун ҳар қандай сиғим орқали ўтаётган оқим алмаштирилиб турилади. Активланган кўмир кўмирни ажратиб олиш учун у элақларда эланади ёки эжекторланади. Кўпинча электродда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, активланган кўмирни ташиш жараёни автоматлаштириш учун вақт релесига уланган каустик сода ва калий цианид эритмалари 17 ва 18 сиғимлардаги ишлов берилган эритмаларга қўшилади. У даяторда тортилгандан сўнг ёки қайтадан трубопровод 20 орқали руда қатламига сепишга юборилади. Янги сув одатда 19 сиғимдан олиб қўшилади.

У платформа 9 да жойлашган. Юқоридага жараёни ўтказиш вақти руданинг сифатига Ag ва Au эритмаларининг экстракцияланиш тезлигига боғлиқ.

Au ни оралик маҳсулот сифатида ажратиб олиш схемада кўрсатилагн. Электролизёрлардаги қолдиқдан олтинни ажратиб олишнинг электролитик жараёни Ag олиш учун ҳам керакли бўлиб, ажратиб олингандан кейин ортикча кумуш қайноқ ҳолдаги сульфат кислота таъсирида йўқотилади. Кумуш хлориднинг қайноқ эритмаси электролиз қилиш жараёнида Au анодларидан фойдаланилади. Катод олтиндан тайёрланган юпка лента кўригишида бўлади. Катод сиртига чўктириляётган модда яъни, олтиннинг тозалик даражаси 99,975% гача бўлиши керак. Унда маълум миқдорда палладий ва платина бўлиши мумкин. Олтинни ажратиб олишда, олдин Ag ва мисни тозалаш жараёнини ўтказиш жараёнида кўпгина нодир металллар эритмада шлам ҳосил қилиб чўктирилади. Au ва металлارни электролиз йўли билан ажратиб олинади. Чизмадан кўриниб турибдики жараён қайтарилади. Бундан палладий ва ишлов берилган шламда кўшимча миқдорда йиғилади. Шундай қилиб, оралик маҳсулотлари қайта ишлашда оралик маҳсулот ҳисобланади. Au ни тозалашда фойдаланиладиган жараёнлар сони кумушни ажратиб олишдаги жараёнларда бирмунча камроқ бўлади. Ҳар 1415 гр кумуш ажратиб олинганда фақатгина 28,3 гр олтин олиш мумкин. Жараён нисбатан содда жиҳати амалга ошириш мумкин ва кам меҳнат сарф талаб этади.

ОЛТИНЛАШНИНГ ЦИАНЛИ ЭЛЕКТРОЛИТЛАРИ

Au электрохимёвий чўктириш цианли комплекс бирикмалари электролитларини чўктириш билан амалга оширилади. Цианли электролитлар ишқорли кислоталар ва нейтралланган бўлади.

II. 3. Цианли ишқорий электролитлар таркибида олтин бир валентли цианедли $K_{Au}(CN)_2$ ва эркин ҳолдаги калий цианид ҳолида бўлади ва олтин цианид чиқишини қайтаради. Ва электр ўтказувчанлигини ошириб, анод ва активлигини оширишга имкон беради.

Электролит $pH_{11,12}$ худди шундай комплекс $K_{Au}(CN)_2$ барқарорлигининг константаси жуда кам ($K_{H5} \cdot 10$)⁻³⁹ шунинг учун Au нинг мувозанат потенциали цианли электролитлардан манфий қиймат томонга силжиган бўлади. Ва бу олтинлаш хавфсизлигини таъминлайди. Юқори катодли қутбланиш жуда кичик чўкма беради. (1-расм)

Олтиннинг цианли ишқорли электролит каби қуйидаги иш таркибида амалга оширилиши керак.

$K_{Au}(CN)_2$ (олтин ҳисоботи)	4-10
KCN	10-20
$I_k A/\partial m^2 (t-18\div 30\text{ }^\circ C \partial a)$	0,1-0,3
$I_k A/\partial m^2 (-45\div 55\text{ }^\circ C \partial a)$	0,2-0,5
$t\text{ }^\circ C$	18-30
pH	11-12
Анодлар катод	12X1849T
Ёки олтин марки	3K999,9


Электролит тенгламаси ва концентрацияси қанча юқори бўлса, шунча ток бўйича металл ажралиши ва ток зичлиги юқори бўлади. Цианид калийли туз кўринишида бўлиши зарур, чунки цианиднинг натрийли олтинли тузи жуда кам эрувчандир. Электролитнинг электр ўтказувчанлигини ошириш учун 25-30 г/л ортафосфат кислота H_3PO_4 қўшилиши керак. 1-расм

Au нинг циано нитратли электр чўктиришдаги қутбланиш чизиқлари. (эгрилар 4-6) ва цианли (1-3) электролитлардаги қуйидаги температураларда 1 ва 4-20°C, 2 ва 5-40°C, 3 ва 6-60°C да.

Ишқорли цианли электролитларнинг афзаллиги, чўкмани юқори тозалик даражада олиниши билан боғлиқдир. Худди шундай KCN концентрацияси юқори бўлиб, нодир металлларнинг Au билан бирга чўкмага тушмаслигидир.

2. Нейтрал цианли электролитлар таркибида олтин бир валентли, комплекс $K_{Au}(CN)_2$ Ва жуда кам миқдорда бўлади ва (1-2 г/л) эркин цианид таркибида электролит pH 5-7,5 электролит кислоталиги фосфат кислота билан таъминланади. Бу электролитлар асосан юқори қалинликдаги қопламалар олиш учун кам тозалikka эга бўлганлиги сабабли нодир металлларнинг ҳам чўкишини ҳисобга олиб, қўлланилади. Ишлаб чиқариш технологияси асосан эримайдиган анод билан олиб борилади. Ток бўйича унумли бу электронларники 100% га яқин бўлиб, олтин чўкмалари бу электролитларнинг ишқорий электролитларга нисбатан анча юмшоқ бўлади.

Олтиннинг ажралиши цианидрангли комплекснинг қайтарилиши натижасида амалга оширилади.



Ток бўйича унумли 100% кам, худди шундай манфий потенциалнинг бир вақтда Au ажралиши билан бирга водород ажралади. (2-расм)

Температура ошиши билан аралаштириш, олтинлаш, жараёнига сезиларли анча кучли таъсир қилади. Нейтрал (г/л) да цианидли электролит қуйидаги тартибда қўлланилади.

3-жадвал

$K_{Au}(CN)_2$ (олтин ҳисобида)	8-12
Лимон кислота	18-20
Калий нитрат	40-50
$KH_2PO_4 \cdot 3H_2O$	35
Ti_2SO_4	0,007-0,0008
$i_k A(ди^2)$	0,5-1,0
$t^\circ C$	60-80
pH	6,5-7,5
Анодлар платинали Титан	

Электролитни тўхтовсиз аралаштириш ва узлуксиз филтрлаш тавсия этилади. Нейтрал электролитлар камчилиги уларнинг барқарорлиги.

2-расм. Электролит ток бўйича зичлигининг унумига боғлиқлиги 2,05 г/л Au 15г/л KCN (эрк). 15 г/л $Na_2HPO_4 \cdot 12H_2O$

70°C температурада 1-аралаштириш билан 2-аралаштирма.

II-5. Кислотали цианли электролитлар таркибида олтиннинг цианли комплекс бирикмаси $K_{Au}(CN)_2$ ва қўшимча органик кислоталар (лимон, вино) ва электролит pH 4-6 гача бўлади. Эркин ҳолдаги цианид электролитлар таркибида бўлмайди. Au нинг ажралиши катодда худди ишқорий электролитдаги каби амалга ошади, натижада цианитрат комплекс бирикма қайтарилади. Кислотали электролитларда катодли қутбланиш, ишқорли электролитларга нисбатан ҳам, шунинг учун ҳам ёйилиш қобилияти кам бўлади.

Металлнинг ток бўйича унуми камаяди, ток зичлигининг ошиши ҳисобига температура камайиши ҳисобига электролит pH ҳам камаяди. (3 ва 4 – расмлар).

Кислотали цианли электролитлар учун қуйидаги электролит таркиби тавсия этилади.

(г/л) Nк1 Nк2

$K_{Au}(CN)_2$ (олтин ҳисобида)	8-12	1,5-2,0
Лимон кислота	50-140	---
Калий нитрат	---	45-50
$CoSO_4 \cdot 7H_2O$	---	0,3-0,4
$t^\circ C$	20-30	20-30
pH	4,5-6	4-4,5
г мин	0,3-0,5	1-2
Анодлар	Платинали	титан

3-расм. Цианли электролитларда концентрацияси 10-12 г/л Au ва ток зичлигига боғлиқлиги 1-0,15. 2-0,3. 3-0,5. 4-1,0.

4-расм. Au ажралиши pH нинг электролит ток кучига боғлиқлиги. 1-0,15 2-0,7.

1-Электролитда катод штангаларини айлантириш зарур. 2-электролит Cu ва Ni га Au қоплаш учун қўлланилади. 4-расмда 1-электролит 60-80°C температурада ва ваннанинг 5-6 A/дм² ток зичлигида симларни олтинлаш мумкин.

II-6. Цианидсиз электролитларда олтин билан қоплаш гексанаферратда текшириб кўрилган. Гексанаферрат (II) электролит айрим ҳолларда дарҳол цианли электролитлар ўрнида қўлланилади, бирдан чўкма тушириш қобилияти сифати бўйича ток бўйича ажралиш жиҳатидан цианлаи электролитларга нисбатан паст.

Кўрсатилган электродларга нисбатан анодлар пассивлаштирилган ва нормал режимда эдектрланган жараёнини амалга ошириш учун қўлланилган анод юза қисми қопланувчи асосий буюмларга нисбатан анча юқори бўлишини талаб қилади. Электродда анод эриш тезлиги камлиги сабабли беқарордир. Олтиннинг чўкиш тезлиги гексацианнаферрат (II) уч марта кам чунки Au бунда ўз валентли Au^{K3} ҳолатда, чунки цианидли эдектродларда олтин Au^{K1} валентли ҳолатдадир. Шунча технологик камчиликларга қарамасдан гексацианнаферрат (II) электродларда олтинлаш айрим амалий аҳамиятга эгадир, чунки улар заҳарсиз, қоплаш сифатида қаноатлантиради.

Гексацианнаферратли (II) эдектролитлар қуйидаги иш тартиб режим асосида (г/л) технологияси амалга оширилади.

5-жадвал

$\text{AuCl}_3 \cdot \text{HCl} \cdot n\text{H}_2\text{O}$ (олтин ҳисобида)	4
$\text{K}_4\text{Fe}(\text{CN})_6 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$	200
K_2CO_3	65
KCNHS	100
$I_k, \text{A}/\text{дм}^2$	0,2-0,3
$t^\circ \text{C}$	32-62
pH	11-12

Цианидли ишқорий эдектролитлар KCN да дицианитрат калийли тузсиз сувда эритиш билан тайёрланади. Эритма электролиз ваннасига қуймлади ва сув керакли хажмда тўлдирилади ва аралаштирилади.

Кислотали цианли электролитлар қуйидаги тартибда тайёрланади. Лимон кислота ва калийли нитрат сувда эритилади ва эритма pH и 3,4-4,2 га етказилади, 20% ли КОН калий гидроксид эритмаси билан, кейин калийдицанигидрат эритмаси киритилади. Эритма ишчи ҳолатга етказилади ва керакли миқдоргача аралаштирилади.

НОДИР МЕТАЛЛАР ЭЛЕКТРОМЕТАЛЛУРГИЯСИ

Нодир металлар – олтин ва кумуш металлар ичида алоҳида хусусиятларга эга бўлиб, нарх эквиваленти сифатида баҳоланиб келади. Ҳозирги вақтда кумуш катализатор, ток манбаларида, радио ва электрон техникада, электрометаллургияда электрод сифатида ишлатиб келинмоқда. Олтин эса аниқ приборсозликда, радио электроника ва ҳимояловчи декоратив қопламалар сифатида ишлатилади.

Табиатда олтин асосан соф ҳолда учрайди. Кумуш эса кимёвий бирикмалар минераллар (сульфид, хлорид) ҳолида учрайди.

Олтин биринчи навбатда олтин конларидан олинади, иккинчидан рангли металлар мис, қўрғошин ва рух металлари билан бирга олинади.

Кумуш ҳам мис, қўрғошин, рух ишлаб чиқаришда шламлардан ва қўрғошин ишлаб чиқаришда рух кўпикларидан олинади.

Олтин ва кумуш (ёмби) асосан бу металларни электролитик ажратиб, мис электролитик рафинлашда чиқадиган аралашмалардан олинади.

Олтин ва кумуш электролиздан олдин оловли рафинация қилинади, чунки бир қанча аралашмалар ажралиб кетади.

Бу олдиндан эритиб тозалаш аффинаж деб аталади. Бу олдиндан тозаланган суюқлик анодга қўйилиб электролизга юборилади. Таркибида олтин ва кумушни миқдорига қараб ё олтин ё кумуш ажратилади.

Агар кумуш аноддаги олтин пробаси 300 дан ошиб кетмаса кумуш электролиз қилинади (1000 проба 100%).

Агар олтин аноддаги кумуш миқдори 200 пробадан кам бўлса, олтин электролиз қилинади. Амалда иккинчи металл миқдори ҳар доим паст бўлишга интилади.

қайси рудадан нима олиниши руда таркиби миқдорий анализ қилиниб, сўнгга хулосага келинади.

ОЛТИННИ ЭЛЕКТРОЛИТИК РАФИНЛАШ

Олтинни рафинлаш учун фақат олтин хлорид эритмасидан фойдаланилади, цианидли эритмалар электролизланганда олтин билан бирга мис ва кумуш ҳам чўкмага тушади.

Олтин хлориди тоза сувда эрийди, айрим ҳолларда комплекс бирикма $\text{H}_2\text{AuCl}_3\text{O}$ ҳосил қилади.




Эритма кислотали муҳитга эга. Электролиз вақтида олтин анодда AuClO_2^{2-} зарядсизланиб кислород чиқа бошлайди. Бу жараён анодни пасивлашишига олиб келади. Натижада олтинни эритмага ўтиши қийинлашади, электрод потенциали кислородни ва хлорни чиқиш потенциалига яқинлашиб боради (хлорни ажралиб чиқиш потенциали қ 1,7 В га тенг). Шунинг учун анодда хлор ва кислород ажрала бошлайди.

Агар AuCl_3 хлорид кислота қўшсак, HAuCl_4 кислотаси ҳосил бўлади.



Бу билан бир вақтда, $\text{H}_2\text{AuCl}_3\text{OHCl}$ билан реакцияга киришиб,




ҳосил қилади. Кислота концентрацияси қанча катта бўлса бу реакция ўнг томонга қараб силжийди.


$\text{AuCl}_3\text{O}^{2-}$ ионлари миқдори камайса анодни пасивланиши камаяди.

Анодни эриш жараёни уч омилга: ток зичлиги, хлорид кислота концентрациясига ва ҳароратга боғлиқ.


Эритмадаги олтин хлорид кислотаси қуйидагича диссоцияланади:



Анодда олтиннинг эриши қуйидаги ионларни ҳосил қилади.



Бундан ташқари олтин эритмадаги ионлар билан AuCl_2^- :



AuCl_2^- иони HAuCl_2 кислота иони бўлиб, HAuCl_4 га нисбатан беқарор. Бу кислоталар ўртасида мувозанат юзага келади.




Бу реакциянинг мувозанат константаси Cu^{2+} ва Cu^+ ионларининг мувозанат константасидан кичик, AuCl_2^- ионлари концентрацияси эритмада кўпроқ. Катодда ҳам анодда ҳам Au^+ иони билан реакция яхши кетади, электродда поляризация кучсиз бўлса реакция тезлиги ошади. Анодда эриш кучли лекин катодда чўкма оз тушади.

Анодда олтин эриганда қўшимча аралашмалар мис, қўрғошин, никель, платиналар ҳам эрийди ва эритмага ўтади, радий, рутений, осмий ва иридийлар шламга ўтади. Кумуш ўша заҳоти эритмадаги Cl^- ионлари билан чўкмага тушади ва шламга айланади, агар олтин таркибида кумуш 3-4% дан ошиқ бўлса, анодда қаттиқ плёнка ҳосил бўлади. Бу анодни тузли пассивланишига олиб келади, эришига тескари таъсир қилади. Шунинг учун AgCl чўкмасини тез-тез аноддан олиб туриш керак. Кўпгина металлларга қараганда олтин электромусбат бўлгани билан, катодда аралашмалар бўлади. Олтин билан бирга платина ва палладий ҳам чўкмага тушади. Шунинг учун эритмада Pt 50-60 г/л ва Pd 15 г/л ошмаслиги керак.

Электролит энг кўп чўкмага тушадиган элемент мисдир, миснинг концентрацияси 100 г/л ошиши мумкин эмас. Булардан ҳам хавфлиси қўрғошиндир, қўрғошинни хавфини йўқ қилиш эритмага сульфат кислота солинади.

Олтиннинг электролизи 100-200 г/л олтин ва 60-70 г/л HCl бўлган эритмаларда олиб борилади. Агар эритмада қўшимчаларнинг миқдори кўпайиб кетса электролит қайтадан тозаланади. Эритманинг ҳарорати 50-70°C бўлади. Янги электролит электролизёрга 45°C да қўйилади, кейин махсус иситкичларда иситиб турилади.

Олтин электролиз қилинадиган электролизёр 20-25 л ҳажмли тўртбурчак идишда олиб борилади. Бу идиш бошқа каттароқ ичига кислотага чидамли эмалланган темир идиш ичига ўрнатилади. Ташқи идиш термостат ролини ўйнайди. Унга сув солиниб иситкичлар орқали иситилади. Анодлар 3 ёки 4 қатор қилиб штангага маҳкамланади (1 -расм).



1- расм. Олтинни рафинлаш электролизёри.

1 –термостат; 2 -сувни қиздириш учун итуцёр; 3 –катод;

4 –анод; 5 –фарфор электролизёр.

Электролит мешалка ёки ҳаво билан аралаштирилади. Анод узунлиги 100x60, 200x80 ёки 260x160 мм; йўғонлиги 5-8 мм қилиб ясалади, оғирлиги 0,5-6 кг бўлиши мумкин. Катод асоснинг қалинлиги 0,15 - 0,25 мм. Электродлар орасидаги масофа 30 мм атрофида бўлади. Доимий ток зичлиги 100-3000 А/м². Кучланиш 0,6-0,8 В. Энергияси сарфи эса 1 кг олтин учун 0,3-0,35 кВт соат.

Олтин катодда қаттиқ чўкма ҳолида йиғилади. Катод хлорид кислота билан ювилиб эритишга юборилади, катоддаги олтиннинг таркиби 999,9 пробали чиқади.

AuCl₃ электролиз қилиш учун махсус чиннидан ясалган электролизёр ишлатилади, унга халқасимон ғовак диафрагма ўрнатилади. Диафрагмани бир томонига рафинадланадиган олтин осилади, иккинчи томонига катод ўрнатилади.

Анод томонига концентранган (3:1), катод томонига суюлтирилган (1:3) хлорид кислота солинади. Электролиз 3-4 В кучланишда ва ток зичлиги 800-2000 А/м² берилади.

Анодда олтин эрий бошлайди, катодда водород чиқади.

Олтин эритмада анион ҳамда ўта бошлайди, катод фазага ўтмайди. Анодда олтин эритмаси концентралана бошлайди.

Эритма концентрацияси (HAuCl_4) 350-400 г/л Au ҳосил бўлади.

ЯЛТИРОҚ ҚОПЛАМА ҲОСИЛ БЎЛИШ ШАРТЛАРИ

Ялтироқ қопламалар олиш учун САМ қўшилиши жуда катта аҳамиятга эга. Бундай қўшимчалар ялтироқлик ҳосил қилувчи ном билан ҳам аталади ва гальванотехникада жуда кенг қўлланилади. Бугунги кунда айниқса никеллаш, мислаш ва рухлаш электролитларда кенг қўлланилмоқда. Шу қўшимчалар сонига сульфоланган нафталин, мочевино, желатина, тиокарбамид, декстрин, фенол, крезол, нафтол, натрий сульфид, тиосульфат ва бошқалар киради.

Ялтироқ қопламалар берувчи электролитлар қўлланилиши ҳисобига, кўпчилик заҳарли, қиммат турувчи полировкалаш ва оддий қоплашни ялтиратишнинг механизация усуллари ва уларни ўтказиш учун материалларнинг, электр энергия ва ишчи кучларининг кўп сарфланиши керак эмаслиги ишлаб чиқаришда кўпроқ фойда беради.

Ялтироқ қоплама тортиш учун электролитлар афзаллиги айниқса кўп қатламли қоплама мис-никел-хромда жуда сезиларлидир, бунда деталлар осма илгакларга икки марта осилади ва текислашга жўнатилади, яна ёғсизлантириш боскичларидан ўтиб илгакларда қоплаш такрорланади. Мисли ва никелли ялтироқ қоплашда фақат технологик жараён боскичлари қисқармасдан, барча қоплама тортиш жараёнини тўлиқ механизациялаштириш ва автоматлаштириш учун ҳам кенг йўл очилди.

Ялтироқ қоплама тортиш учун электролитлар яратилиши ҳисобига рангли металлларни иқтисодий тежашга эришилмоқда, худди шундай оддий қопламалар қалинлиги олдиндан аниқланиб, талаб қилинган қалинлик металлларни текислаш ва чўкмаларни ялтиратишда ҳисобга олинади. Бундай йўқотиш катталиги чўкма умумий массасига нисбатан 20% гача ташкил қилади. Ундан ташқари ялтироқли чўкмаларда ҳамма вақт юқори каттиқлик ва катта емирилишга барқарорлиги билан ажралиб туради. Бу имкониятлар оддий ванналардаги чўкмалар билан солиштирилганда қоплама қалинлигини қўшимча камайитиришга имкон беради, айниқса нодир металллар кумуш, олтин ва бошқалар билан қопланганда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ялтироқлик ҳосил қилиш таъсирини аниқлаш учун иккита гипотеза таклиф қилинган. Улардан биринчиси ялтироқлик ҳосил қилувчилар шунчалик чўкма структурасини майдалаштирадики, натижада қоплама сирт юзасидаги кристалл учлари ва баландликлари ўлчамлари тушаётган ярим тўлқин нур узунликларидан ошмайди. Бундай сирт юза ёруғлик нурини ёйилтирмайди - тушаётган нур фақат ойнадек қайтарилади. Иккинчи гипотеза шунга олиб келадики, қўшимчалар таъсири остида кристаллар аниқ бир тартибда бирдай ўсади, натижада уларнинг барчаси катод сирт юзасига параллел равишда

бир хил кристаллографик учларга эга бўлади. Бироқ на у, на бу гипотеза тажрибада тасдиқланмаган ва бу савол очиқлигича қолмоқда.

Ҳозирги вақтда ялтироқ ҳосил қилувчи моддалардан ташқари яна уларга текисловчи ва ҳўлловчи қўшимчалар ҳам киритилмоқда.

МЕТАЛЛ БУЮМЛАР ЮЗАСИНИ ҚОПЛАШГА ТАЙЁРЛАШ

Қопламалар қоплашда металл буюмлар сирт юзасига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат.

а) қопланувчи буюмлар сирт юзаси жуда тоза бўлиши шарт: қўпол, нотекис, ёрик, эгри, чуқур ёйилган ва кўринувчан ғоваклар бўлмаслиги керак;

б) қоплаш юза бўйича бир бутунлигича майда заррачали, зич, текис, талаб даражасидаги қалинликда, ғоваксиз ёки минимал ғовакли (кўрсатилган нормада), асосий буюм билан яхши бирикадиган ёки ундан яхши ажраладиган (гальванопластикада) бўлиши шарт.

Кўпчилик ҳолларда бу талаблар давлат томонидан қўйилган талаб даражасида ёки техник шароитларни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши зарур. Буюмлар сирт юзасини қоплашга тайёрлаш учун механик, кимёвий ва электрокимёвий усуллар мавжуддир.

Механик тайёрлаш. Сайқаллаш -деб механик қайта ишлаш жараёни натижасида буюмлар сирт юзасини текис ва силлиқ ҳолатга келтиришга айтилади. Сайқаллаш натижасида буюмлар сирт юзасидан ингичка ғадир-будурликлар олиб ташланади. Бу - жараён механик ускуналарда дискли ёки айлана бўйлаб айланувчи ва ҳамда майда деталлар учун махсус айланувчи барабанларда бажарилади. Сайқаллашда махсус тебранма ҳаракат қилувчи қурилмалар ҳам (частотаси 1500-3000 1 мин/айл, амплитудаси 1-5 мм) қўлланилади.

Сайқаллаш ялтиратиш - деб сирт юзасидаги майда нотекисликларни сийпалаш йўли билан ойнадек ялтироқлик даражасига етказиш жараёнига айтилади. Ялтиратиш металлларни қоплаш олдидан айланма ва айланувчи барабанли қурилмаларда амалга оширилади. Бу жараёндан кейин, масалан металл буюм ва деталларни никеллаш, мислаш, хромлаш мумкин. қимматбаҳо ва юмшоқ металлларни (олтин, кумуш)ни қоплашда ялтиратиш махсус қўлда бажарувчи қурилмаларда амалга оширилади.

Ялтиратишнинг сайқаллашдан фарқи металл йўқотилмаслиги зарур. Ялтиратишда амалда металл қопламалар ўзининг 10% дан 20% гача масса қисмини йўқотади. Ялтиратишда металл сирт юзасини сайқаллаш ҳисобига унинг юзасидаги майда чуқурликлар ҳам металл билан тўлиб боради. Бунга металлларнинг ишқаланиши натижасидаги ҳосил бўлган иссиқлик ҳам имконият яратади, ҳамда металл юмшайди ва юза бўйлаб оқа бошлайди. Бунда сайқаллашдаги пастанинг кимёвий жараёнда ўзаро таъсири ҳам катта рол ўйнайди, чунки ишқаланиш натижасида электр ҳодисаси пайдо бўлиши ва атроф-муҳитнинг металл оксидлари билан таъсири ҳам ҳисобга олинади.


Айланма сайқаллаш учун махсус абразив материаллар қўлланилади, уларни доначаларининг ўлчами (50-5 мкм) гача бўлади. Сайқаллаш ва сайқаллаб ялтиратишда юқори қаттиқлик ва кесиш қобилиятига эга майда заррачалардан ташкил топган абразив материаллар қўлланилади. Абразив материаллар табиий (тоғ жинслари ва минериаллар) ва суъний бўлади. Табиий абразив материаллар кам ва улар қаттиқ ва бир жинсли эмас. Табиий материаллардан текислаш учун корунд (Al_2O_3), нигидан (корунднинг темир оксиди кремний, титан ва бошқалар) кремен, кварцли қум, сайқаллаш (ялтиратиш) учун - крокус (75% ли темир (III) оксиди Fe_2O_3) трепел, доломит, техник бўр, вена оҳаги (95% гача кальций оксиди), каолин, тальк қўлланилади. Суъний абразив материаллар сифатида текислаш учун кремний карбид - карборунд SiC, бор карбиди, электрокорунд, сайқаллаш (ялтиратиш) учун крокус, хром (III) оксид, алюминий оксидлар киради.

Текислаш ва сайқаллаш учун қўлланиладиган қурилмалар ишлайдиган хоналарга ҳар томонлама вентиляторлар ўрнатилган бўлиши шарт.

СИРТ ЮЗАНИ КИМЁВИЙ ВА ЭЛЕКТРОКИМЁВИЙ ТОЗАЛАШ

Ёғсизлантириш. Буюмлар сирт юзасидаги ҳайвонот ва ўсимликларга таалукли ёғлар ва минерал мойлар бўлиши мумкин. Бу ёғ ва мойлар буюмлар сирт юзасидан кимёвий ва электрокимёвий усуллар ёрдамида амалга оширилади.

Кимёвий ёғсизлантириш. Кимёвий ёғсизлантириш ишқорли эритмалар ва органик эритувчиларда олиб борилади. Ишқорли эритма таъсири остида ёғлар парчаланиб, сувда эрийдиган ёғ кислоталарнинг тузлари, глицерин ажралади ва совун ҳосил қилади. Масалан: стеарин кислотанинг ўювчи ишқор эритмаси билан таъсирлашиш реакцияси қуйидагича ёзилади:



Ҳосил бўлган совун стеарат натрий сувда жуда яхши эрийди ва коллоид эритма ҳосил қилади. Минерал мойлар ишқор билан кимёвий парчаланмайди, лекин сирт юза тортишиш кучи таъсири остида мой қатлам бузилади ва унинг томчилари йиғиб олинади. Металл сирт юзасини тўлиқ мойлардан тозалаш учун эритмада САМ иштирок этиши зарур, натижада эритма аралаштириш ва қиздириш ҳисобига мойларни эритмага ўтказиш ва ювиш хусусиятга эга бўлади.

Эмульгаторлар мой-эритма чегарасида адсорбцияланиб сирт-юза тортишишини камайтиради ва мой қисмини эмульсия ҳолатига келтиради. Монелл сирт юзасидан ажралган мойлар томчиларини йиғиб олишга имкон яратади.


ОЛТИН ЮРИТИШ

Ўзининг чиройли, гўзал кўриниши ва эстетик дид ва жило бериши билан олтин қопланган буюмлар бошқа металл қопламалардан кескин фарқ қилади. Олтин юқори кимёвий бақарор ва вақт ўтиши билан хираланмайди. Жуда қиммат металл бўлишига карамай олтин қоплаш кенг қўлланилади. Соат ва заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришдан ташқари аниқ приборлар ва уларнинг деталларини радиотехника ва электрон техникада электрик контактларни, босма схема, электрон найларни турини, ярим ўтказувчиларни устини олтин билан қопланади.

Олтинлаш учун асосан цианидли ва камдан кам ҳолларда цианферрат электролитлар ишлатилади. Цианидли электролитларда олтиннинг мувозанат потенциали электроманфий қийматга яқинлашади, олдиндан амальгамаланмайди. Олтинни иқтисод қилиш учун электролитда минимал концентрацияда олинади, жараён жуда кичик ток зичлигида олиб борилади.

Цианидли олтин электролитлар кумушли электролитларга ўхшайди. Асосий моҳияти - олтинли электролит цианидни турига сезгирлиги юқори.

Калий цианидни натрий цианидга алмаштирилса, қийин эрувчи плёнка $\text{Na}[\text{Au}(\text{CN})_2]$ ҳосил бўлади ва олтин анодни пассивланиши кузатилади. Электролитга K_2CO_3 қўшилиб электр ўтказувчанлик оширилади. Олтинлаш учун қуйидаги таркибда электрод тавсия этилади г/л да:



Жараён $60-70^\circ\text{C}$ ҳароратда олиб борилади. Катодда ток зичлиги $0,2-0,3 \text{ A/дм}^2$ ва токка нисбатан реакция унуми $60-80\%$.

Анод олтиндан бўлади. Эримайдиган графит ёки платинадан ясаб бўлмайди.

Олтин цианидли электролитларни ютиш қобилияти юқори. Электролитлар захарли бўлгани сабабли хавфсизлик техникасига риоя қилиш керак. Ишқорий цианидли электролит ўрнига HCN ёки ферроцианид қўллаш мумкин. Цианидли электролитда ($\text{pH} 5-7$) $\text{K}[\text{Au}(\text{CN})_4]$ комплекс тузи ҳосил бўлади. Керакли кислоталилик лимон

кислота ва уни тузлари ёрдамида ва ейилишга чидамлилигини ошириш учун олтинловчи эритмага сурьма, кумуш, кобальт, никель, сурьма ва бошқа металллар тузи қўшилади.

ҚОПЛАМАЛАР СИФАТИНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Электрохимий қопламаларни сифати бир қанча кўрсаткичларга физик-механик, химий, коррозияга чидамлилиги, қаттиқлиги, асосга ёпишиш мустаҳкамлиги, ички кучланиш, ғоваклик, ялтираш, буюм сиртида бир текис тарқалишига болиқдир. Бу қатталиқлар учун давлат стандарти қабул қилинган.

ҚОПЛАМАНИ ҚАЛИНЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Қопламани қалинлигини ўлчаш усули икки гуруҳга бўлинади: бузиладиган ва бузулмайдиган қопламалар. Гальваник қопламанинг қалинлигини аниқлашнинг энг макул усулларида бири қопламани буюмни бузиш бўлиб, буюм силликланади (микроскоп ёрдамида аниқланади). Буюм бир неча жойидан қирқилади, қирқилган жойи силликланиб сайқалланади: қоплама қалинлигини ўлчайдиган майда чизиклар билан бўлинган окулярли ёки винтли микрометр қўйилган микроскоп билан ўлчанади.

Бўлувчи усулга яна химий усул ҳам қиради. Химий усул бўйича ҳамма қоплама эритиб юборилади, айрим ҳолларда буюмнинг маълум қисми томчилатиб ёки устидан қуйиб эритилади. Охириги йилларда энг кўп тарқалган усул кулонометрик усулдир. Усулнинг моҳияти шундан иборатки, қопламанинг кичикроқ юзаси анодда эритилади. Чегараланган сирт юзаси учлари қалинлиги анод кучланиши ёки доимий кучланиш назорат қилиш шароитида олиб борилади. Танланган электролитда қопламани эриш реакциясини тугашида потенциални сакраши кузатилади. қопламани қалинлиги ўтаётган ток потенциал сакрашгача бўлган миқдори билан ўлчанади. Бу усул билан бир ва кўп қаватли қопламаларни қалинлигини ўлчаш мумкин. Емирилмайдиган қопламаларни қалинлиги магнитли, электромагнитли, радиацион гравиметрик усуллар билан аниқланади. Бу ўлчаш усулларида энг оддийси гравиметрик усул ҳисобланади, буни тортма усул деб ҳам аталади. қаватни қалинлиги буюмни қоплама қопланмасидан олдин ва қоплама билан қопланиб тортилади.

Магнит усуллари диамагнит қатлам билан қопланган ферромагнит металллар сиртидан магнитни ажралиш кучини ўлчашга асосланган. Шунингдек, мазкур усул буюмларни металл ва қопламалардаги магнит оқимини (электромагнит ўзагида ҳосил бўлган) ўлчаш орқали ҳам амалга оширилади. Диамагнит (магнитсизланган) қатлам қанча қалин бўлса, текшириладиган сиртдан ажралиш кучи шунча кичик бўлади. Мазкур ўлчов асбоби учун маълум қалинликдаги махсус эталон қатлам асосида чизилган градуировка эгри чизиги орқали қатлам қалинлиги аниқланади.

Агар магнитли усул магнит киритувчанликлар фарқига асосланган бўлса, уярмавий ток усули асосий материал ва қопламаларнинг электр ўтказувчанлиги

фарқини аниқлашга асосланган. Бу фарқ қанчалик катта бўлса, натижа шунчалик аниқ бўлади, бу усул металл асосли материаллар қопламалари қалинлигини аниқлашда ва нометаллларнинг металл қопламаси қалинлигини аниқлашда қўлланилади.

Электрохимий қолдиқларни ёпишиш мустаҳкамлигини баҳолаш усули одатда миқдорини ва сифатини баҳолашларга бўлинади. Заводларда кўпинча сифат кўрсаткичини аниқлаш усули қўлланилади. Етарли даражада мустаҳкамлик кўрсаткичи бу синишгача букилганда чўзилганда, қирилганда қатламларнинг кучмаслиги, шишиб кетмаслиги ва маълум температурагача қиздирилганда кучмаслигидир.

қатламларнинг ғоваклигини аниқлашнинг бир қанча усуллари мавжуд бўлиб энг қулайи химий усулдир. Бу усул ғоваклар бор қисмларнинг бўйлишига асосланган. Бунда қоплама ғовакларида гальваник микроэлементлар ҳосил бўлиб, унинг аралашувчи (эрувчи) электроди - аноди асосий металл ёки қоплама остидан иборатдир. Пулат сиртига қопланган мис, никель, қалай, қўрғошин, хром қопламаларни ғоваклигини аниқлаш учун одатда калий ферроцианид эритмаси қўлланилади. Бунда гальваноэлементлар таъсирида ҳосил бўлувчи темир ионлари ғовакларда бўйланган бирикмалар - турнбул кўки ҳосил бўлади.

